O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
3 11 299

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина ҳамда Россиянинг С. Ильюшин номидаги Бирлашган конструкторлик бюроси Бош конструктори Генрих Новожиловни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бу кун икки томон учун ҳам ажойиб сана эканини таъкидлади. Зеро, айни шу куни «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»га Давлатлараро авиация қўмитаси томонидан Ил-114-100 русумли самолётнинг сертификати топширилди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳужжат дунёнинг етакчи авиасозлари томонидан тўла эътироф этилган. Ўзбекистон, Россия, АҚШ ва Канада ҳамкорлигида яратилган бу ҳаво кемаси улкан лойиҳа асосида жуда қисқа муддатда амалга оширилган машаққатли меҳнатнинг самарасидир. Бунда Халқаро авиация қўмитасининг хизмати ҳам катта бўлди. Замонавий авиация техникасини ривожлантириш, авиасозларнинг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва шу орқали халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун қўмита раиси Т. Анодина мамлакатимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эди. Давлатимиз раҳбари унга мазкур орденни топширди.

Т. Анодина кўплаб миллий ва халқаро мукофотлар билан тақдирланган. Халқаро авиация қўмитаси ҳам унинг ташаббуси билан 1991 йили ташкил этилган. Т. Анодина — фан доктори, профессор, авиация генерали.

Учрашувда Т. Анодина Ўзбекистон билан ҳамкорлик самаралари кечаётгани, «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» бутун дунёга машҳур эканлигини ва замонавий технология давлатимизнинг даражасини белгилашини таъкидлади.

Учрашувнинг яна бир иштирокчиси — Г. Новожилов Ўзбекистон авиация саноати ривожига меҳнати кўп сингган конструктордир. Президент Ислом Каримов унинг илмий-амалий фаолиятига юқори баҳо берди. Меҳмонлар самимий сўзлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, Ил-114-100 самолётининг синови Тошкентда ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 28 декабрь, сешанба • № 153 (25.548).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Адолат – демократия мезони

Фарғона. 24 декабрь куни Ю. Шакаржонов номидаги театр биносида Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалоловнинг сайловчилар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. 13-Фарғона сайлов округи комиссиясининг раиси Р. Тожиев учрашувни қисқача кириш сўзи билан очди. А. Жалоловнинг ишончли вакили, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Игамбердиев унинг таржимаи ҳоли билан йиғилганларни таништирди.

Шундан сўнг Президентликка номзод сайловчиларга қарата нутқ сўзлади.

— Мустақиллик йилларида, — деди у, — Ўзбекистонда давлат ва жамиятни, иқтисодиёт ва сиёсатни, бутун ҳаётимизни ислоҳ қилиш юзасидан салмоқли ишлар бажарилди, тарихий аҳамиятга молик, жиддий ютуқларга эришилди. Дунё харитасида, эндиликда, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган, янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлиб, у, қисқа давр ичида ўз тинчликсевар ташқи сиёсати, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги ташаббуслари билан кенг танилди.

Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Давлат ва жамиятни бошқаришнинг, хавфсизлик ва ижтимоий тартиботни таъминлай оладиган, янги тизимига асос солинди.

Жамиятда мулкий муносабатлар, айниқса, хусусий мулк ва мулкдорларнинг ўрни ҳамда аҳамияти мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминламоқда.

Туб ўзгаришларнинг рўй беришида жамиятнинг маънавий янгиланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқ ҳаётида тарихий, миллий маънавий қадрият ҳамда анъаналар, диннинг ўрни ва аҳамияти қайта тикланмоқда.

Фарғона вилояти меҳнаткашлари мустақиллик йилларида рўй берган туб ислоҳотларга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда охирги йилларда саноат жўшқин ривожланмоқда. Нефтни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарининг маҳсулоти мамлакатдан ташқарида ҳам маълум. Аҳоли жон бошига халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда вилоят республикада етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Ҳар йили 400 минг тонна дон етиштириб, у Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқда.

Маълумки, партиямиз ўзининг III Қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз номзоди билан иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу билан у И.А. Каримовнинг, халқ манфаатларини кўзлаган, сиёсий йўлига қарши чиқишни кўзда тутган эмас.

Партиямиз Президент сайловида иштирок этиб, юртимизда демократияни қарор топтириш ишига ҳисса қўшиш, шунингдек, жиддий сиёсий тажриба орттиришни кўзламоқда. У сайловда нафақат муқобил номзод, балки, муқобил сайловолди дастури билан ҳам қатнашмоқда. Бу — демократик ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимиз, шунингдек, демократияни танлов имконияти деб, ҳисобловчи партиямиз учун ҳам, табиийдир. Унда мамлакат ривожланишига қараш ва ғояларимиз баён этилган.

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим йўналишлардан бири, сўзсиз, бу мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши, иқтисодий салоҳиятини изчил оширишни таъминлашдир.

Ушбу масалага Фарғона вилояти воқелигидан келиб чиқиб, ёндашадиган бўлсак, қуйидагилар уларнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим:

— бу ердаги мавжуд иқтисодий салоҳиятнинг самарадорлигини ошириш, яъни кимё саноати, машинасозлик, энергетика ва нефтни қайта ишлаш, истеъмол моллларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ҳозирги замон технологиялари ва «ноу-хау»лардан кенг фойдаланиш, чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш, хом ашёни юқори сифатли тайёр маҳсулот даражасига етказадиган, тугал ишлаб чиқариш тизимли корхоналарни ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўриш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик истеъмол моллари, дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уйжой қурилишини кенгайтириш, тадбиркорлик ва корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида, уларнинг хўжалик фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бевосита ўринсиз аралашишидан озод қилиш, барча шаклдаги мулкчилик, тадбиркорлик ва рақобатнинг эркинлигини таъминлаш, корхоналарни солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Айниқса, ҳар бир одамда кўзланаётган мақсадларга эришишидан шахсан манфаатдор бўлиш тамойилини кучайтириш лозим.

Ҳар қандай жамиятда барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири — бу кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш-дир. Бунда меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан оқилона таъминлаш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ушбу вазифалар аҳоли зич жойлашган Фарғона вилояти учун муҳим аҳамиятга эга. Унча узоқ бўлмаган тарихимизда бу ерда ижтимоий вазият кескинлашиб, унинг баъзи бир салбий оқибатларга олиб келганлиги маълум. Шу боис, янги иш ўринларини ташкил этиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятлидир. Чунки, ишсизлик одамларни, айниқса, ёшларни, қинғир-қийшиқ йўлларга бошлаши мумкин.

Аҳолининг кам таъминланган қатламлари — нафақадорлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшлар, қаровсиз қолган кекса кишилар ва болаларнинг эҳтиёжлари энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари, пулнинг қадрсизланиши ҳисобга олиниб, тегишлича қопланиши керак. Фақатгина давлат бюджети ҳисобидан эмас.

(Давоми 2-бетда)

Ислом Каримовнинг сурхондарёлик сайловчилар билан учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Фидокорлар миллий-демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 25 декабрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясининг раиси Отабек Раҳимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қувондиқ Мадартов учрашув қатнашчиларини Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил ўз сўзида Сурхон аҳли Ватанимизнинг истиқлолга эришиши, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, бунёдкорлик ишларини, барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларни Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси деб билишини таъкидлади.

Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу янгиланиш замонавий лойиҳалар ва миллий меъморлик услубида қурилган кўплаб маданий-маиший бинолар, мактаблар, боғчалар, янги тураржой бинолари, саноат корхоналари, гузарлар мисолида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, яқинда халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган «Алпомиш» достонининг минг йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган, шу қутлуғ сана шарофати билан муҳташам «Алпомиш» ёдгорлик мажмуи барпо этилгани маънавий ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлди.

Сурхондарё вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос салоҳиятга эга, деди Ислом Каримов. Гарчи бу ерда деҳқончилик етакчи соҳа ҳисобланса-да, саноат ҳам ривож топиб бораётгани эътиборга моликдир. Вилоятда жорий йилда қарийб 30 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бунда нодавлат секторининг улуши 92 фоизни ташкил қилгани саноатда бозор муносабатлари тобора мустаҳкам қарор топаётганини кўрсатади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги куннинг энг устувор ва долзарб вазифаси — ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш, авваламбор, халқимизнинг, одамларимизнинг қалбида бунёдкорлик ишларига интилиш ва рағбат уйғотиш, тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш билан узвий боғлиқ.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш учун ҳозирги вақтда зарар кўриб ишлаётган давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида мулкчиликнинг янги турлари — ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пайдо бўлмоқда, оила пудрати кенг қўламда жорий этилмоқда.

Қайсики вилоятда, туман ва жамоада ер ҳақиқий эгасини топса, — деди Ислом Каримов, — мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарса, деҳқон хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлашни сезса, ўша ерда юксак ижобий самараларга эришиш мумкин.

Бизнинг юритаётган сиёсатимиз, амалга ошираётган ислоҳотларимиз, нимаики иш қилаётган бўлсак, ҳамма-ҳаммаси одамларимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган, деб таъкидлади йўлбошчимиз.

Президентликка номзод билан учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Абрай Мусурмонқулов, жарқўрғонлик ўқитувчи Ойнаҳол Муҳаммадиева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, бойсунлик Шоберди бахши Болтаев Ислом Каримовнинг юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, халқ бахт-саодати йўлидаги фидойилигини таъкидлаб, барча сурхондарёликларни 2000 йил 9 январда унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири

Ўзбек самолётсозлари салоҳияти

В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти наинки МДҲда, балки бутун Осиё-Тинч океани минтақасидаги энг йирик авиасозлик корхоналаридан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбарияти мададида авиасозларимиз янги самолётларни яратиб, самога шайламоқда. Шу йилнинг январида ўзбек самолётсозлари яратган янги минтақавий йўловчи самолёти — Ил-114-100 илк бор парвоз этганди. С.В. Ильюшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси томонидан яратилган Ил-114 туркумига мансуб ушбу самолётга Канаданинг «Пратт энд Уитни» фирмасининг двигателлари ва АҚШнинг «Гамильтон стандарт» фирмасининг ҳаво парраклари ўрнатилган.

Янги самолёт барча тегишли сертификация текширувларидан, парвоз синовларидан муваффақиятли ўтди ва Давлатлараро авиация қўмитасининг авиарегистр сертификатини олди. Кеча Тошкентда ана шу сертификатни топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди. Ўзбек самолётсозлари мушарраф бўлган сертификатни Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина бирлашма бош директори Вадим Кучеревга топширди.

Алишер РЎЗИЕВ

Ишонч телефонлари

Сариосиёда ким билан гаплашманг тинч, осуда ҳаётни ҳар доим қўриқлаш, асраб-авайлаш, бунинг учун сергакликни қўлдан бермаслик зарурлигини тушуниб етганликларини ҳис қиласиз. Бу хислат, айниқса, қўшни давлат билан чегарадош ҳудудда яшаётган одамлар учун ғоят муҳимдир.

Туманда кечаси-ю, кундуз ишлай бошлаган ишонч телефонлари шубҳа қилинган шахслар ҳақида, фавқулодда ҳодиса ва ҳолатлар хусусида керакли жойларга хабар қилиш, маълумот етказишда қўл келмоқда.

Мусурмон ТИЛАКОВ, «Туркистон-пресс»

Миллий кино кўриги

Мамлакатимиз вилоятларида «Ўзбекфильм» ижодкорлари томонидан яратилган ҳужжатли ва бадиий ленталарни намойиш этиш тобора анъанавий тусга кирмоқда. Айни кунларда Қашқадарёда ўтаётган ўзбек миллий киноси фестивали ушбу анъананинг давомидир.

Вилоят маркази Қаршида ҳамда туманлардаги кинотеатрларда «Ўзбекфильм» ижодкорлари томонидан яратилган «Кичик табиб», «Ёлғиз ёдгорим», «Воиз», «Отамдан қолган далалар», «Севги», «Тилсимой ғаройиб қизалоқ» каби фильмлар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 28 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	90,20
1 Австрия шиллинги	10,30
1 Англия фунт стерлинги	226,31
10 Бельгия франки	35,13
1 Голландия гульдени	64,31
10 Греция драхмаси	4,29
1 Дания кронаси	19,07
1 БАА дирхами	38,12
1 АҚШ доллари	140,00
1 Миср фунти	41,00
10 Испания песети	8,52
100 Италия лираси	7,32
1 Канада доллари	95,42
1 Хитой юани	16,91
10 Люксембург франки	35,13
1 Малайзия рингги	36,85
1 Германия маркаси	72,46
1 Польша злотийси	34,06
1 СДР	192,25
1000 Туркия лираси	0,26
1 Финляндия маркаси	23,84
1 Франция франки	21,61
1 Швейцария франки	88,38
1 ЕВРО	141,72
10 Жанубий Корея вони	1,24
10 Япония иенаси	13,64
1 Россия рубли	5,23
1 Украина гривнаси	26,74

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Янги йил ўйлари

Қурол билан эмас, гул билан

Уруш кўрган инсонларга мактуб

Ассалому алайкум, менинг... уруш азобини тортган, хотираси яраланган, бир умр жанглар ваҳмини эслаб яшашга маҳкум биродарларим!

Вақт тез ўтади. Ҳар қандай оғриқнинг давоси эса вақт. Лекин, хотирадаги оғриқ даҳшатли манзаралар қолдирган изни вақт кўмолмас экан. Вақт ўтиб, ёшингиз улғая боргани сайин ўша мудҳишлик моҳиятини яхшироқ, чуқурроқ англар экансиз. Урушнинг суврати ҳам ёркинроқ намоён бўлиб бораркан.

Нима бу? Урушда бўлган одам эсини йўқотганидагина унинг оғриғидан халос бўладими? Урушда ҳалок бўлиш, ўққа учишдан кўра, урушдан тирик қайтиб келиш инсон учун фожиалимикин? Ўлган ўлди, унинг ришталари ҳаётдан узилди. Тирикнинг-чи? Фожиа комидан тақдир тақозоси билан омон чиқсам, қуёшни кўрсам, одам бўлиб яшайман, деган ўйга борган одам хотираларининг бу заминдан, тириклик илдизидан узилмаганлиги, эслашга, хаёлга толишга, фикрлашга қодирлигининг ўзи ҳам фожиами?

Йўқса нега, бизнинг хотирамизни уруш таъқиб қилади? Нега, тушларимизда ўқлар учади? Нега, алаҳсираб кимларнидир отамиз? Нега, уруш кинолар, тасвирларга бефарқ қарай олмаймиз? Нега, юрагимизга бир дард ҳамла қилади, уруш ҳақидаги китобларни ўқиганимизда? Нега, бошқаларга нисбатан тинчликни кўпроқ, ҳа-ҳа, кўпроқ севамиз? Нима бўлган тақдирда ҳам, болаларимиз кўзидан уруш туфайли ёш томчилашини хоҳламаймиз? Нега бир-биримиз билан дуч келган кезлар бошқа одамлар, уруш мудҳишлигини кўрмаган одамларга нисбатан сирлироқ, бошқачароқ муносабатда бўламиз? Нега ўзимизни айбдор ҳис қилиб яшаймиз? Нега айрим олифталар тўдаси ғужиллашган даврадаги пойинтар-сойинтар гапларга қовушиб кетолмаймиз? Кечадаги шу бодиқарашлар, тонготарга туташ даврадаги пўримлар тинчликнинг қадрига стармикин, улар тинч замоннинг завқини англармикин, деган хаёллар билан нега ўз-ўзимизни қийнаверамиз?

Мен уруш одамни ҳар куни азобга дучор қилаётган саволларни қоғозга тўкдим. Шу гаплар ҳар куни менинг юрагимни зирқиратади...

Уруш одамзод ўйлаб чиққан хунрезликлар ичида энг аччиқ сабоқдир.

Токи инсон боласининг бу сабоқдан кўзи қануз очилмас экан, асримиз ҳалокат жари томон яқинлашиб бораверади.

Бу сабоқ қадим замонлардаёқ, инсоният бир-бирининг бошига таёқ билан ура бошлагандаёқ инсоннинг кўзини очиши керак эди.

Бугун таёқ билан бир-бирини уриб ўлдиришга чоғланган ўша одамлар авлоди Ер шарини, ўзи илдиз отган заминни бомбанинг устига ўтказиб қўйибди.

Нега шундай?

Биламан, уруш кўрганлар ўлимдан қўрқмайди. Лекин, тирикликнинг, ёруғликнинг устидан ҳалокат ва қабоҳатнинг ғолиб келишидан қўрқади. Ҳавода ғизиллаб учган ўқнинг тегишидан кўра унинг чийиллаб, асаб толаларингни таранг қилиб кетмакет учиши қўрқинчлироқдир. Буни сиз яхшироқ ҳис қилганингиз, менинг фикримга шу маънода қўшилишингиз учун ҳам ёзаяпман. Шулар ҳақида ёзаётиб, кўз ўнгимда собиқ Шўролар даврида Афғонистондаги ўта аянчли дамларимиз жонланаяпти. Бу мен учун нақадар оғир ҳол эканлигини яхши биласиз...

Ўшанда тўрт дўстимни бир кечада душман сўйиб кетди. Ўшандаёқ кўзларимда мунг тантана қилиб бўлган эди.

Бир дўстим тоғ тепасида ўзини-ўзи портлатиб юборди. Сўнгги гапи шу бўлди: «Тўйиб кетдим. Жонимга тегди ҳаммаси...» Ўшанда аччиқ-аччиқ, тутаб-тутаб йиғладим.

Бир биродаримнинг қўлини грантамёт парчаси юлиб кетди. Ўшанда, менинг қўлларим жойидалиги учун ўкиниб-ўкиниб йиғладим.

Машина минага тушиб, тўртта дўстим тил тортмай ўлди. Урушда ўлишнинг йўли кўп. Ўлдиришнинг йўли кўп экан.

Ариқдан сув ичиб заҳарланган биродаримнинг кўзидан зардоб оқди. Жони узилиши қийин бўлди.

Вертолёт тоққа урилди. 15 аскарнинг қули Панжшер тоғи узра сочилиб кетди.

... Нимасини ёзай? Ул кунларнинг ҳар сонияси фожиа гирдобида ғарқ бўлгандир.

Ҳа, XX асрнинг тузалиши оғир яраси — бу урушлардир. Биринчи, Иккинчи жаҳон урушлари, Вьетнам, афғон, жамики ерда содир бўлган урушлар. Улар XX аср бағрида доғ бўлиб қотмишдир. Инсоният тарихининг қора саҳифаларида битилади бу урушлар.

Бугун биз, барчамиз замин бағрига малҳам бўлиш истагида яшамасак, шу пайтгача тўкилган қонлар ҳурмати, урушлардан бағри зада заминимиз ҳаққи кўзимизни каттароқ очиб, тинчлик дея қўлни-қўлга бермасак, таг-томиримиз билан қуриб-битишимиз ҳеч гап эмас. Инсониятнинг тинчлик бағрида яшаши ҳам, аксинча урушнинг тантана қилиб, бошимиз устидан ажал ёмғирлари ёғиши ҳам ҳеч гап эмас.

Менинг жанг кўрган биродарларим! Оғир-оғир кунлар, ўшандай қайғули чоғлар, қора-қоронғу лаҳзалар ўз юрагимизда, хотиримизда. Сизга юрагимни очсам, бу улуғ ва нурли, тинч ва осойишта кунларимиз моҳиятини ёркинроқ тавсифлагандай бўламан. Ёзилиши мушкул ва қийин мавзу — уруш ҳақидаги китоблар урушнинг даҳшатини кўрсатиб, тинчлик ва ҳаётнинг қадрини улуғлашга хизмат қилгани каби, мен ҳам сиз билан дардлашиб бу ёруғ чоғларимизга ҳамду санолар айтаяпман.

Эрта-индин XX асрнинг якуни бўлиб ўтаётган янги йилга қадам қўямиз

Биродарлар, барча-барча уруш кўрган эллар, элатлар ўлкаларда ўқлар овози ўрнини чақалоқлар йиғиси, куйлар, ўланлар тутсин. Инсоният қўлидаги ажал қуролини улоқтирсин, деб ният қилайлик.

Дунёнинг барча Президентлари бизнинг Президентимиз каби тинчлик ва барқарорлик яловини даст кўтариб, жонбозлик қилиш тарафдоримиз! Илоё, келаётган 2000 йилда шундай бўлсин.

Биз яшашга ҳақлимиз. Униб-ўсишга ҳақлимиз. Фарзандлар тарбиялаймиз. Келажагимизни ёруғ кўришни истаймиз. Бутун инсоният шундай ўйлайди — эзгуликка терс қарамаган одамзот шундай фикрда.

Биродар, 2000 йилга оз қолди. Уни гул билан, ҳа, алвон-алвон гул, ёруғ юз билан қарши олайлик! Қурол билан эмас! Тинчлик, тинчлик... фақат тинчлик мангу бўлсин!

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Адолат — демократия мезони

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ғоя ва таклифларимиз, ҳар бир фуқаро, бутун халқимизнинг фаровонликка эришиши, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Музокараларда сўзга чиққан Фарғона давлат университети IV курс талабаси З. Акбарова, Олтиариқ тумани уруш ва меҳнат фахрийси П. Музаффаров, «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири А. Ибодинов ва Марғилон шаҳридаги 7-ўрта мактаб директори ўринбосари Э. Қосимовалар сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишига эътиборни қаратиб, барча сайловчиларни уларда фаол иштирок этишга чақирдилар.

* * *

Андижон. 25 декабрь. Бу ерда Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалолов вилоят фаоллари ва сайловчилар вакиллари билан учрашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон сайлов округи комиссияси раиси Т. Мирзаев уни бошқарди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Тожметалл» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Ш. Ҳасанов А. Жалоловнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида йиғилганларга маълумот берди. Шундан сўнг Президентликка номзодга сўз берилди. У ўз нутқини шундай бошлади:

— Бугун мен сизлар билан бутун жаҳонга маълум ва машҳур аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Ватанимиз мустақиллигининг жарчиси Абдулҳамид Чўлпоннинг она юртида учрашаётганимдан чексиз хурсандман. Дунёга донғи кетган пахтакорлари-ю ғаллакорлари билан машҳур Андижон бугунги кунда мамлакатимизда изчил олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари билан ҳам халқимизнинг эътиборини қозонди. Андижонлик ақли расо ишчи ва муҳандислар мамлакатимизнинг автомобилсозлик саноатига асос солган бўлсалар, ғаллакорлар Ўзбекистоннинг дон мустақиллигига эришишига муносиб ҳисса қўшдилар, пахтакорлар пахтачиликнинг илғор илму амалини яратдилар. Меъморлар, лойиҳачи ва қурувчилар вилоятнинг шаҳару қишлоқларини ободонлаштириш устида ғайрат билан ишламоқдалар. Булар — истиқлол шарофати билан кишанлардан озод бўлиб, қанот ёзаётган халқнинг аҳил меҳнати, зиёли, ишчи ва деҳқоннинг астойдил ишлаши учун моддий ва маънавий рағбат пайдо бўлганлигининг натижаси.

Айни мустақиллик боис, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини эркин танлаш, эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, адолатли жамиятни бунёд этишга киришиш бахтига муяссар бўлдик. Яқинда бўлиб ўтган парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар ҳамда олдиндаги Президент сайлови Ўзбекистонимизнинг ана шу йўлдан илдам бораётганидан далолат беради.

Демократиянинг энг муҳим қонун-қоидаларидан бири, — давом этди нотиқ, — бу — эркин сайловлардир. Сайловларнинг ҳақиқий демократик мазмун-моҳиятга эга бўлиши учун эса, сайловчиларга танлов имкониятини туғдириш алоҳида аҳамиятга эга.

Партиямиз ана шундан келиб чиқиб ва шу қонуний йўл орқали ўзининг дастурий ғояларини амалга оширишни кўзда тутиб, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда ўз номзодлари билан фаол иштирок этди. Унинг асосий натижалари кўпчиликка маълум.

А. Жалолов Ўзбекистон ХДП III Курултойининг республика Президенти сайловида ўз номзоди билан иштирок этиш тўғрисидаги қарорига тўхталар экан, миллий мустақилликни қўлга киритиш, ўзбек давлатчилигини тиклаш ва туб ислоҳотларни йўлга қўйиш, Ўзбекистонни жаҳон саҳнасига олиб чиқишда хизматлари улкан, халқимизнинг чуқур ҳурмати ва ишончига сазовор бўлган, дунёга танилган И. А. Каримовга муқобил номзод қўйиш осон иш эмаслигини таъкидлаб, сайловда қатнашишдан мақсад, унинг натижаси қандай бўлишидан қатъий назар, юртимизда демократия қарор топишига ҳисса қўшиш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра Президентликка номзод мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқларга юқори баҳо бериб, XX аср ниҳояси ва XXI аср бошларида халқимиз олдида турган шарафли ва мураккаб вазифаларга йиғилганлар диққатини жалб этди.

— Шу муносабат билан, — деди у, — уларни қандай ҳал этмоқ керак? Бунёдкорлик ишларимиздаги мавжуд тўсиқ ва қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш учун нималар қилмоқ лозим? — деган саволлар туғилади. Партиямиз ўзининг Сайловолди дастурида шу каби кўплаб саволларга жавоб беришга ҳаракат қилди. Унда баён этилган ғоялар бизнинг Сайловолди дастуримизнинг ҳам асосини ташкил қилади.

Сўнгра номзод мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятда адолатни қарор топтириш, ҳар бир меҳнаткашнинг шахсий манфаатдорлиги масалаларига тўхталди.

Пировард натижада, Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилишнинг ва истиқлол маънавиятини шакллантириш, юксалтиришнинг бош омили, бу — кўзланаётган барча мақсадларга эришишдан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигидир. Биз ушбу ҳақиқатни қанча олдинроқ идрок этсак, манзилга шунча тезроқ етиб борамиз.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши биринчи котиби З. Бозорбоева, Андижон давлат университети педагогика факультети декани ўринбосари Б. Қўчқоров, Қўрғонтепа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси М. Абдуқодирова, Андижон шаҳридаги «Андижон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси М. Тўрабоевлар сўзга чиқдилар.

* * *

Наманган шаҳрида 1999 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон ХДПдан номзод қилиб кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари вакиллари билан сайловолди учрашуви ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган сайлов округи комиссияси раиси Х. Аҳмадхўжаев олиб борди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Намангантекстил» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси А. Убайдуллаев А. Жалоловнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Сайловчилар олдида сўзга чиққан Абдулҳафиз Жалолов мустақиллик йилларида Ўзбекистонда муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлгани ва уларда Наманган вилояти саноатчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг ҳам салмоқли улуши борлигини таъкидлаб ўтди. Пировардида, у шундай деди:

— Ватанимиз узра истиқлол байроғининг ҳилпираши, унинг мустақил тараққиёт йўлига кириб, салмоқли ютуқларни қўлга киритиши, бутун дунёга танилиши Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг халқчил сиёсати ва жўшқин фаолияти билан боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Номзод йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиздаги сайловларга, жумладан, Президент сайловига муносабати, партия III Курултойининг шу ҳақдаги маълум қарори хусусида сўзлаб берди.

— Республика Президенти сайловига партиямиздан муқобил номзоднинг кўрсатилиши, — деди у, — мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, туб ислоҳотларни амалга ошириш бош йўлига қарши эканлигимизни билдирмайди, балки юртимиз тараққиётининг истиқболларига, ҳаракатимизнинг шакл ва услубларига ХДПнинг ўз қарашлари борлигини англатади.

Партиямиз, ўзининг конституциявий ҳуқуқи ва амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб ҳамда мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш манфаатларини кўзлаб, Президент сайловида ўз номзодини кўрсатди.

Ҳар қандай сайлов демократияни англатмаса-да, бироқ, демократия, ҳамиша, бу — сайлов деганидир. Сайлов эса танлов билангина муайян маъно ва мазмунга эгадир.

Шундан сўнг нотиқ йиғилганларни сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан таништирди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўзанларида миллий давлатчилигимизни, демократия талаблари асосида, такомиллаштириш мақсадида жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеини юксалтириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг халқ минбарига айланишига кўмаклашиш, хусусий мулкчилик, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, мулкнинг барча шакллари-даги корхона ва хўжаликларнинг эркин хўжалик фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни туғдириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, иш билан бандлик тизимини такомиллаштириш ва унга доир давлат дастурини қабул қилишни жадаллаштириш, жамиятда хотин-қизлар ва ёшлар мавқеини оширишга қаратилган амалий чораларни кўриш ва бошқалар шулар сирасига киради.

— Маънавият масалаларига келсак, — деди номзод, — бу соҳада қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳам талай. Шулардан бириси — ёшларимизни истиқлол руҳи, замон талаблари асосида тарбиялаш муаммоларига диққатингизни тортмоқчимиз. Ушбу масала, бутун мамлакатимиздагидек, Наманган вилояти учун ҳам ўта долзарбдир. Бу ерда кейинги йилларда содир бўлган нохуш воқеалар, яъни баъзи бир ёшларнинг ақидапараст жангарилар тўрига илиниб, конституциявий тузумимиз, мустақиллигимиз, турмуш тарзимиз, дунёқарашимизга қўл кўтарганлари сир эмас. Бу нимадан далолат беради? Бу, бир томондан, мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёш йигит-қизларнинг мукаммал инсон бўлиб камол топишлари, жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун тегишли шарт-шароитларни муҳайё этиш масаласига, масалан, ёшларни иш билан банд этишга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Бизнингча, ҳар бир йигит-қизнинг эркин ва баркамол шахс сифатида шаклланиши йўлида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва моддий-техникавий шароитларни яратиш учун давлат, жамоатчилик ва оиланинг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш лозим. Халқ таълими ислоҳоти ва кадрларни тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги вазифаларни бажаришни бир кунга ҳам сусайтириш мумкин эмас.

Иккинчидан, ёшларни турли сиёсийлашган диний оқимларнинг таъсиридан сақлаш мақсадида, улар орасида маърифий-маданий тарғибот-ташвиқот ишларини, шу жумладан диний-маърифий тарбияни узлуксиз олиб боришни таъминлаш талаб қилинади. Хуллас, биз навқирон инсонларни қандай парваришласак, уларга нимани ўргатсак, уларни қайси йўлга йўлласак, фарзандларимиз шундай кишилар бўлиб вояга етадилар. Демакки, жамиятимизнинг келажаги бўлмиш ёшларнинг тақдири ва истиқболи учун ҳам фақат ўзимиз масъулмиз.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши биринчи котиби М. Шарипова, Наманган давлат университетининг кафедра мудири, профессор А. Абдураҳмонов, Наманган шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Турғунов, Наманган туманидаги 4-болалар боғчаси мудираси А. Асроқулова, Янгиқўрғон туманидаги Тиллар, иқтисод ва Нафосат лицейи директори С. Отажонов ва бошқалар сайловчиларни Президент сайлови куни дил амри билан овоз беришга даъват этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Германияда солиқ тизими

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида юртимизга хос солиқ тизими асоси шакллантирилди ва такомиллаштирилди. Солиқлар ҳар бир фуқаро ҳаётига кириб борди, улар солиқларга нисбатан бефарқ қарамайдиган бўлди. Зеро, республикамизда истиқомат қилаётган барча кишиларни бир жиҳат бирлаштиради: барчамиз солиқ тўловчилармиз. Шундай экан, солиқлар тўғрисида билимларга эга бўлиш нафақат зарур, балки ҳаётий эҳтиёж ҳамдир. Шу ўринда хорижий мамлакатлар солиқлари ҳақида ахборотга эга бўлсак, республикамизда амал қилаётган солиқлар билан таққослаб, ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирсак, фақатгина юртимиз иқтисодига, равнақига ҳисса қўшган бўламиз.

Бизга яхши маълумки, Германия Федератив Республикаси энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. У иқтисодий қудрати жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринни эгаллайди. 1997 йил ялпи ички маҳсулот ҳажми энг юқори кўрсаткичга — 3.134,30 млрд. маркага эришилди. Бу аҳоли жон бошига товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 43.200 маркага тўғри келади, дегани. Агар бу кўрсаткични таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги 25 йил ичида ЯИМ ҳажми икки маротаба, 40 йил ичида эса беш баробарга ўсганлигини кузатамиз.

Солиқлар ГФРда давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир этишнинг бош воситаси ҳисобланади ҳамда уларнинг мамлакат бюджетида тутган ўрни жуда юқоридир. Солиқлар бюджет асосий даромадларининг 80 фоизини ташкил қилади. Давлат бюджети уч манбаа асосида: федерал, ерлар ва жамоалар бюджети асосида яратилади. Ҳар йили бюджет лойиҳаси тузилаётган пайтда «Солиқларни баҳолаш бўйича ишчи гуруҳ» тузилади. Бу гуруҳ таркибига солиқ тушумларининг кутилаётган даражаларини баҳоловчи федерация, ерлар ва жамоа экспертлари ҳамда федерал статистика бошқармаси, молия вазирлиги, илмий-текширув институтлари экспертлари киради. Улар кутилаётган харажатлар даражасини реал даромадларга мувофиқлаштиради ва натижада федерация бюджети лойиҳасининг кўп сонли вариантлари юзага келади. Федерал, ерлар, жамоалар бюджетлари кейинги 20 йил ичида камомадли бўлиб, тўлдирилиб, камомад миқдорининг ялпи миллий маҳсулотга нисбати (2.6-3%) ташкил қилади.

ГФРда солиқ бўйича Европадаги мукаммал, кўп тармоқли, кўп шаклли ва жамият ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олувчи тизими яратилган. Мамлакатда 50 га яқин солиқ тури мавжуд.

Бюджетга тушадиган тушумига қараб қуйидагилар асосий солиқлар ҳисобланади:

— Даромад солиғи, шу жумладан иш ҳақидан олинадиган солиқ;

— Ҳунармандчилик солиғи;

— Ер солиғи;

— Корпорациядан олинадиган солиқ;

— Мол-мулк солиғи;

— Капиталдан олинадиган даромад солиғи;

— Қўшилган қиймат солиғи;

Санаб ўтилган солиқлар бюджетга келиб тушадиган солиқларнинг 92% ни ташкил этади.

Амалдаги ҳамма солиқлар тўрт манбага бирлашади. Булар федерал, ерлар, қўшма (федерал ва ерлар) муниципиал жамоа солиқларидир.

Федерал солиқлар ҳеч қачон қайта тақсимланмайди.

Ҳамма солиқлар бўйича ахборот бериш имкониятимиз чегараланганлиги сабабли фақат Германияда амал қиладиган ер солиғи бўйича тўхталиб ўтамиз.

Ер солиғи — қўзғалмас мулк солиғи ҳисобланади. Солиққа тортиш объектлари — қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, компания ва хусусий шахсларга тегишли ер участкалари ҳамда бу участкаларда жойлашган бино ва иншоотлардир. Солиқни ундириш жамоа томонидан амалга оширилади. Ер солиғи ставкаси икки қисмдан иборат: қўзғалмас мулкнинг алоҳида турлари учун марказлаштирилган тартибда белгиланадиган асосий ставка ва маҳаллий молиянинг ҳолатига қараб аниқланадиган жамоа қўшимчасидан иборат.

Солиқнинг қуйидаги ставкалари мавжуд:

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари учун — (0.6%); қурилиши бўлмаган ер участкалари — (0.35%); қурилиши бўлган ер участкалари — (0.35%); битта оила банд қиладиган уй ер участкаси учун:

— уй қийматининг биринчи 75 минг маркаси — (0.26%)

— уй нархининг қолган қисми — (0.35%)

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналарини ер солиғига тортишда қонунчиликка мувофиқ фойдадан солиққа тортиладиган харажатларни чиқариб ташлашга рухсат берилади. Ер солиғи бўйича тўловлар мажбурий ҳисобланади ва молиявий натижалар ёки хусусий шахснинг даромадларига боғлиқ бўлмайди.

Ер солиғи тўлашдан давлат корхоналари, черковлар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, интернатлар ҳамда илмий мақсадларга мўлжалланган ер майдонлари озод қилинган.

Турар жой қурилишини рағбатлантириш мақсадида ГФРда янги қурилган уйлар учун дастлабки ўн йил мобайнида ер солиғи тўламасликка рухсат берилган.

Ер солиғи одатда аванс тўловлари шаклида ўтган йилги тўловлар даражасида ҳар чоракда амалга оширилади. Тўланадиган сумма ҳар уч йилда бир марта аниқланади ва қўзғалмас мулкда ўзгаришлар юз берадиган бўлса, қайта ҳисобланади.

Олимжон ЖУМАНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
Бахтиёр ХАМИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ:

- Энг ривожланган мамлакатлар — «еттилик» таркибига киради;
- Европа марказида жойлашган;
- Уни тўққиз қўшни мамлакатлар чегаралайди;
- 1990 йил 3 октябрда икки Германия мамлакати бирлашиши натижасида Федератив Республика бўлиб қайта ташкил қилинди;
- Ер майдони — 357.000 км²;
- умумий чегара чизиғи узунлиги — 3758 км;
- аҳолиси 82.0 млн. кишидан ортиқ;
- шундан 7.3 млн. киши хорижликлар;
- 1 км² га 229 киши тўғри келади;
- 16 та федерал ерлардан ташкил топган.

Балиқчилик — Германия иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайдиган тармоқлардан бири.

Элчихонада учрашув

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мустафо Камол Мамдуҳ Шавқий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув ўтказди.

— Ўзбекистон билан Миср муносабатларидаги асосий воқеалардан бири сифатида шу йилнинг сентябрь ойида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ўрганиш бўйича ҳукуматлараро янги комиссиянинг тузилганлигини айтиш мумкин, — деб таъкидлади элчи жаноблари. — Бу эса ҳамкорликни янги поғонага кўтариш ва келгусида амалга ошириш зарур бўлган ишларни белгилаб олишга кўмак беради. Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги товар алмашинуви ҳажми 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Шунингдек, жаноб Шавқий фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида тўхталиб, бу борадаги алоқалар иқтисодий муносабатлардан кучлироқ эканлигини қайд этди.

— Тошкент ва Самарқандда араб тилини ўрганиш бўйича 5 та ўқув марказини ташкил қилдик. Янги йилда шу хилдаги марказни Бухорода очиш ниятимиз бор. Айни пайтда 50 нафарга яқин ўзбекистонлик талабалар Мисрдаги олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқаролари Мисрдаги МДҲ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик қилувчи жамғарма ҳузуридаги ўқув курсларида ҳам билим олишаётир, — деди у.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов таклифига биноан Ал-Алҳазар мажмуасининг шайхи Муҳаммад Сайид Тантавининг Тошкентга ташрифини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Айни чоғда бу ташриф Ўзбекистон — Миср муносабатларини мустаҳкамлаш жабҳасида муҳим аҳамият касб этди.

Мустафо Камол Мамдуҳ Шавқий жаноблари Миср элчихонаси ташаббуси билан Рамазон ҳайитига бағишлаб Ўзбекистон Бадиий академиясида ўтказилаётган тадбирда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўз совғаларини улашмоқчи эканликларини маълум қилди.

«Туркистон-пресс»

Тинчликка нима етсин

— Қорни тўқ одам ёнбошлаб ётишни, ҳордиқ чиқаришни яхши кўради. Кўзи тўқ одам эса атрофга теранроқ боқишга, оламни англашга ҳаракат қилади. Кўзни тўйдирадиган кўнгил, кўнгил эса китоб, газета, журналлардан озуқланади-да, болам! Атрофни кўрсангу англамасанг, яшасангу умринг мазмун билмаса, шуям ҳаётми? — дейди ҳожи Маҳмаражаб ота.

Ғузор тумани «Бўстон» жамоа ширкат хўжалигидан 30 гектар ер олиб фермерлик қилаётган Ҳожи ота яқинда 65 ёшга тўлди. «Ўзбекистон овози» газетасига бу йил ҳам обуна бўлганлигини айтди. Менинг эса Қашқадарёга қилган сафарим завқли бошланганидан кайфиятим кўтарилди. «Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарори ҳаётга тадбиқ этилганига беш йил тўлди. Мазкур қарорга асосан аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш, моддий таъминотини такомиллаштириш мақсадида барча қишлоқ дўконларига саккиз турдаги маҳсулотларни етказиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Узулишлар бўлгани йўқ», дейди вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий ҳиссадорлик компанияси раиси Ўктам Қурбонов.

Биз Бешкент туманида бўлганимизда компаниянинг туман бўлими раиси Алишер Лутфиев «Матлуботсавдо»нинг шу кунларда қилаётган ишлари ҳусусида қуйидагича сўз юритди:

— Туманимиз аҳолисининг турмушини яхшилаш мақсадида кундалик эҳтиёж моллари таъминотини биринчи даражали вазифа деб белгиладик. Шаҳрисабз туманига қарашли тоғли «Ғилон» қишлоғи фуқаролар йиғини раиси билан келишган ҳолда товар айирбошлашни йўлга қўйдик, биз уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, қишки кийим-кечак етказиб берамиз, эвазига уларда мавжуд картошка, пиёз ва бошқа сабзавот, полиз маҳсулотлари оламиз. «Ғилон» тоғлар бағрида жойлашган, қор тушгач бориб бўлмайди. Шунинг учун уларга ҳам манфаатли.

Минг эшитгандан бир кўрган афзал деганларидек, чекка қишлоқларда жойлашган дўконларни бориб кўришга жазм қилдик.

«Истиқбол» жамоа ширкат хўжалигидаги 8-сонли кундалик эҳтиёж моллари дўкони 1463 нафар фуқарога хизмат қилар экан. Дўкон мудири Баҳодир Салимовдан савдо-сотиқнинг бориши тўғрисида, тушум ҳақида сўрадик:

— Ойига 600 минг сўмлик савдо қилишимиз керак, ўтган ойда режани 621 минг сўмлик маҳсулот сотиш билан ошириб бажардик. Кўриб турганингиздек харидорларимиз кўп. Ҳатто дўконимизда картошка, пиёз ҳам сотилмоқда.

Дўкон расталарида турли хилдаги маҳсулотларни кўриб кўнглингиз таскин топади. Бу ҳол «Патрон» қишлоғидаги 5-сонли, «Қуйи Бешкент» қишлоғидаги 12-сонли ва бошқа дўконларда ҳам мавжудлиги вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий ҳиссадорлик компаниясининг ҳаракатлари аҳоли турмушини яхшилашга қаратилганлигидан дарак беради. Биргина Бешкент тумани бўлимида янгича иш юритиш натижасида ўн бир ойлик режа 114,7 фоизга бажарилди. Ўз-ўзини таъминлаш, маҳсулот айирбошлашга эришиш мақсадида қўшимча хўжаликлар ташкил этилди. Бу йил бўлимда хўжаликдан ер олиб 30 гектар жойга пахта экишганди, 1,5-2 миллион сўм фойда олишни мўлжаллашаяпти. Ерга эгалик қилиш, ҳосилдорлигини оширишда савдо ходимлари ҳам бўш келмаслигини билган туман ҳокими Сайфулла Ҳайруллаев қўшимча 100 гектар ер ажратишга қарор қилди. Бундан ташқари бўрдоқичиликка ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Чиқарилган 7113 та акциянинг номинал қиймати 1000 сўмдан бўлишига қарамай барчаси сотилди.

Нишон тумани ҳокими А. Муқимов билан бўлган суҳбатимиз ҳам аҳоли турмуш шароитини яхшилаш масаласи хусусида бўлди.

— Келгуси ўқув йилигача касб-ҳунар коллежи қурилишини тугатиб, замонавий типдаги ўқув даргоҳини талабаларга топшириш мақсадидамиз. Мазкур коллеж 900 ўринли бўлиб, туманимизнинг илмсевар болаларига мўлжалланган. 50 ўринли қишлоқ врачлик пунктини ҳам ишга туширамиз.

Туманимиз аҳлини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. 1999 йил мобайнида 22900 метр газ қувурлари тортилди.

Мўъжазгина шаҳарчага айланган Нишон марказини бугун кўрган одам гармсел шамоллар бағрида жойлашган чўлга келиб қолганини унутади. Жаннатмакон масканга келиб қолгандек ҳис этади ўзини. Қизиғи эса туман аҳолисининг 46997 нафари эркаклар бўлса, 45710 нафари аёллар экан.

«Шайхали» қўрғончасида жойлашган «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти аҳли ёш оилаларни қўлаб-қувватлаш мақсадида саккиз оилага мўлжалланган икки қават уй ва ўн оилага атаб қурилган коттежларни мамнуният билан тилга олишди.

— Қашқадарё вилояти мамлакатимизнинг ғалла хирмонига салмоқли ҳисса қўшиб келади. Бизнинг корхонамиз 138 минг тонна ғаллани қабул қилиш қувватига эга. Усмон Юсупов ва Касби туманида етиштирилган ғаллаларни тўғридан-тўғри қабул қиламиз, бошқа туманлардаги ғаллалар ҳам қабул пунктлари орқали, вагонларда бизга келиб тушади. Корхонамизда кунига 500 тонна буғдойни қайта ишлайдиган тегирмон цехи мавжуд. Бу кунига 375 тонна ун ишлаб чиқарилади демакдир. Лекин аҳоли таъминотини узлуксиз равишда таъминлаш мақсадида лимит асосида бир ойда ўн минг тонна буғдойни қайта ишлаяпмиз. Вилоят чорвадорларини ҳам ёддан чиқарганимиз йўқ, омухта ем ишлаб чиқарувчи цехимиз мунтазам ишлаб турибди.

Корхонамизда маҳсулотлар сифатини яхшилаш учун ўтган йили Германиядан дастгоҳлар келтирилди, унда иссиқ нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Италиядан кичик линия олиб келиб макарон ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Албатта, булар ўз самарасини бераяпти, масалан, макарон линиямиз ойига бир миллион сўм фойда келтирмоқда.

Юртбошимиз 2000 йилни «Соғлом авлод йили», деб айтдилар. Биз ҳам спорт ўйингоҳимизни қайта таъмирлаяпмиз. Мини-футбол, волейбол, теннис мусобақалари ташкил этилган. Корхонамиздаги барча цехларнинг ўз жамоаси бор, — дейди «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти раиси Суюн Жумаев.

Ҳа, элда тинчлик бўлса, турмуш кундан кунга яхшиланиб бораверади. Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий юксалишлар замирида ҳам осойишталик ётади.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Соғлом авлод — порлоқ келажак бунёдкори

«Янгийўл ёғ-мой»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

келажаги буюк Ватанимизнинг барча фуқароларини йигирманчи асрнинг сўнгги йили билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда юртимизда тинчлик, осойишталик, фаровонлик янада юксалишини тилаган ҳолда таъкидлаб ўтмоқчимизки, якунланаётган йилда эришган ютуқларимиз чакки эмас. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилганимизда шу нарса маълум бўлдики, барча соҳалар бўйича режалар ортиғи билан уддаланди.

Корхонамизда иқтисодий ислоҳотлар жадаллаштирилди. Технологик жараёнлар такомиллаштирилди.

Хорижий шериклар билан ҳамкорлик натижасида сифатли ва экологик жиҳатдан мусаффо пахта ёғини 4-5 литрли полиэтилен идишларга қуйиш цехи фойдаланишга топширилди.

Янги, 2000 йилга пешвоз чиқар эканмиз, эндиликда эришажак ютуқларимизни янада кўпайтирамиз, дейиш учун барча асослар бор.

Янги йилда жаннатмакон ўлкамизнинг ҳар бир гўшасида, шаҳару қишлоғида инсонларга омад ва бахт-саодат ёр бўлсин!

Китоб — содиқ дўст

«Аёллар энциклопедияси»

2000 йилга ҳам ёруғ юз билан қадам қўяётирмиз.

Яқинда нашрдан чиққан «Аёллар энциклопедияси» китобида чоп этилган мақолалар айнан шу мулоҳазани қамраб олгандир. Зеро, «Аёллар йили»да «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти хайрли ишга қўл урди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан «Аёллар йили» деб эълон қилинган 1999 йил охирлаб бормоқда. Йил бошида тадбир сифатида белгиланган вазифалар бугунги кунда амалиётга жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова қилинган «Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури»да «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти зиммасига хотин-қизлар учун энциклопедия нашр этиш вазифаси қўйилган эди.

Китобнинг дастлабки саҳифаларида таъкидланганидек, аёл — Аллоҳ таоло яратган она табиатнинг буюк ва қудратли мўъжизаси. Муқаддас динимиз Исломда аёл киши — бокира қиз, опа-сингил, умр йўлдош ва мўътабар она сифатида эъзозланади.

Ўз халқининг тарихи, урф-одатлари, маросимлари ва турмуш тарзини биладиган ҳар бир инсон яхши тушунадики, ўзбек оиласида аёл меҳрибон она ва уй бекаси ҳисобланган, унинг бирдан-бир орзу-армони ва мақсади фарзандини яхши ўстириб, ювиб-тараб тарбиялаш ва вояга етказиш, оила бошлиғи отанинг оғирини енгил қилиб, унга яқиндан ёрдам беришдан иборат бўлган.

Зотан, ўзбек аёлининг оиласи қалъа каби мустаҳкам бўлган.

Шўролар тузуми даврида аёлларга эркинлик берамиз, уларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қиламиз, деб ўзбек аёлининг тарихий қадриятларига бирмунча путур етказилди, десак янглишмаймиз. Аёллар фаолияти ва жанговарлиги деган хитоб ва даъватлар оғушида гангиб қолган ўзбек хотин-қизлари жамият ва ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этилиб, уларга керагидан ортиқ вазифа ва юмушлар юкланди. Оқибатда оила заминига зил кетди, фарзандлар бебош, хонадон пароканда бўлиб, аёлларимиз эса аросатга тушиб қолдилар.

Китоб бу қомусий маълумотнома нашри эмас. Бироқ, унинг мавзуи, мундарижаси қамровининг кенглиги, ранг-баранглиги ҳамда мақолаларда хотин-қизлар ҳаётининг турли соҳаларидан тўпланган билим, тажриба ва хулосалари акс этганлиги ҳамда аёлларни қизиқтирган саволларнинг жуда кўпчилигига жавоблар, тавсиялар, маслаҳатлар топиш мумкинлигини ҳисобга олсак, бу китобни энциклопедик нашрлар қаторига киритиш ҳам мумкин бўлади. Китоб тўққиз бўлимдан иборат, улар қуйидагилар: 1. Балоғат пиллапоялари. 2. Оила. 3. Эр-хотинлик. 4. Оналик. 5. Болалик. 6. Уй-рўзғор, хордиқ. 7. Ҳусн ва тансиҳатлик. 8. Кийим, бичиш-тикиш. 9. Тўй маросимлари, одатлар.

Ҳар бир бўлимда хотин-қизлар ҳаётида муайян ўрин ва аҳамиятга эга бўлган масалалар гуруҳларга ажратилиб, изчил ёритилишга ҳаракат қилинган.

Китобнинг ижодкорлари ўзбек аёллари билиши лозим бўлган умумбашарий масалаларнинг энг муҳимларини танлаб олар эканлар, имкон доирасида ҳар бир мавзуда шарқона, ўзбекона одатларимиздан келиб чиққан ҳолда фикр юритдилар.

Китобнинг услуби аёл билан аёлнинг самимий суҳбати тарзида қурилган. Сизнинг суҳбатдошингиз ҳар бир аёл ёқимтой маъшуқа, севимли ёр, меҳрибон она, саранжом-саришта уй бекаси, бир сўз билан айтганда, баркамол инсон сифатида қадр-қиммат топишлари учун нималарга аҳамият беришлари ҳақида тўпланган тажрибалар, ҳаёт сабоқлари асосида амалий маслаҳатлар, фойдали тавсиялар берадилар.

Суҳбат мавзуини яна ҳам кенгайтириш мумкин эди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва бошқа масалалар кейинги нашрлардан ўрин олади, деган умиддамиз. Келажакда хотин-қизлар ҳақида алифбо тартибидаги кенг қамровли чинакам энциклопедия яратиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Муроджон АМИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Биласизми?

Бўйра

«... Айний амирнинг обхонасида инграб ётарди. Маҳбуслар орқангизни бўйрага бериб ётинг, бўйра калтак зарбидан илвираган этингизни қотиради, дейдилар. Айний инграб улардан оёқ-қўлларини уқалашни илтижо қиларди. Бўйра эскириб кетган, ҳаммаёғига қон ва эт парчалари ёпишиб ётарди. Лекин тажрибали маҳбуслар нечукдир бўйра жароҳатни қотиради деб ўйлашарди. Буни фақат маҳбусларгина билишар, агар амир одамлари билсалар, албатта обхонадан бўйраларни чиқариб ташлаган бўлардилар... (Иброҳим Ғафурнинг «Амир нега Беҳбудийга қўл бермади?» илмий мақоласидан. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси, 1994 йил, 6 май.)

Ҳа, халқимиз ҳунармандчилигининг ҳар бири деярли табобат илми билан боғлиқдир. Рус рассоми В. Верешчагиннинг «Чакидахўрлар» (1867 йил), «Самарқанд зиндони» (1873 йил) картиналарида ҳам бўйралар хосияти ҳақида кўп бор тўхталган. Бўйра инсон саломатлиги учун кони фойда, ундан зах ўтмас, тандаги барча дардни тузатиб юборар-кан.

Аслида бўйра чий ва бордонлар каби ибтидоий ҳунармандчилик турларидан биридир. Ҳамон шу матоҳ тўқилиб келинмоқда. У аждодларимиз учун ҳозирги шолча, гилам ва наматлар қаторида қадрланган. Археология топилмаларида унинг турли хиллари учрайди.

Тошкентнинг «Шош тепа», «Оқ тепа», «Минг ўрик», Сурхондарёнинг «Далварзин тепа», Фарғонанинг «Қувасой» каби қадимий қароргоҳларида эрамиздан аввал ва кейинги асрларда бўйралар қолдиқлари топилган. Ундан тобутлар тайёрланган, ҳатто инсон зотини кафан ўрнида бўйрага ўраб кўмиш ҳам одат тусига кирганлигидан далолат беради.

Бўйра қолдиқларининг бизгача сақланиб қолишининг боиси, қаттиқ, чидамли, тезда чириб, тупроққа айланиб қолмаслигидир. Ҳар қандай ерга тўшалса захни ўтказмас, чангни ўзига ютиб, орасталикни сақларкан. Уни тежамкор рўзғор буюми сифатида муқаддас ҳисоблашиб, бўйра чўплар тайёрлаб, уч ўраб, ўтганлар руҳига чироқлар ёқилган. Ундан кўпроқ ибодатхона-масжид, мадрасаларда унумли фойдаланилган. Асрлар мобайнида жуда кўп камбағал оилаларнинг бир корига яраб турган. Бўш турган хоналарига бўйра солиб қўйишган. Тўй-ҳашамлар кўпинча бўйра устида ўтган.

Қадимдан хонадонимиз қўри ҳисобланган бўйра яхши пишган, ичи кавак қамишлардан тўқилган. Уни тўқиш анча машаққатли бўлиб, пўстларидан тозаланган. Сўнг қамишлар сувга ивитиб қўйилган. Тайёр бўлгач, соч ўргандек тўқилаверган. Уларни «бўйрачи» дейишган. Илгари ҳамма уйлар тупроқли бўлган. Ерга олдин бўйра тўшаб, унинг устидан наматми, шолчами, гиламми ёзилган. У чангни ўтказмайди:

Буни қарангки, асрлар мобайнида ота-боболаримиз бўйра қоплардан унумли фойдаланиб келишган. Бўйра қопларга солинган ғаллага мита тушмайди, сифати бузилмайди. Қуритилган мевачевалар яхши сақланади.

Чунки у ўта майда, зич тикилганлиги боис дондунлар бўйрадан чиқиб, тўкилиб, кетмай ўзининг сифатини сақлаб қолган. Ўтмишда томлар устига тупроқ солмасдан бўйра тўшалган. Чунки уйнинг шипи йилтиллаб, худди нақшдек чиройли кўринган. Тепадан тупроқ тушишдан сақлаган. Мабодо уйга ёғин-сочинда чакка ўтгудек бўлса, томнинг устига бўйра тўшаб чиқилса, том шиббаланиб, мутлақо чакки ўтмаган. Халқимиз бўйра қадрини яхши билади. Хўл меваларини ҳам бўйрада қуритади. Унда туршак, майиз, қоқилар сап-сариқ олтиндек тоза туради. Эндиликда, маданиятимиз анча юксалиб, уларга кам эҳтиёж сезилаётган бўлсада, бўйра унутилган эмас.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос

5 - саҳифа

Туғилган кунга эгиз бузоқ

Жомбой туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Узуновул қишлоғида яшовчи Ҳосият Искандарова икки келинининг бир кунда дунёга келган фарзандлари Моҳигул ва Сирожиддинларнинг туғилган кунларини нишонлаётган эди.

Тўкин дастурхон атрофида табрик ва қутловларнинг чеки йўқ...

— Қаранглар, молхонада сигиримиз безовта мўнграяпти, — деди Бухородан жиянларининг бахтли онларига шерик бўлиш учун келган, оиланинг катта қизи Дилбар опа. Д. Ортиқова қишлоқда катта бўлган. Зарафшон дарёси бўйларида қўй-қўзи, сигир-бузоқ боқиб катта бўлган. Ҳозир Бухоро озиқ-овқат саноати технологияси институтининг докторанти, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

— Эна, сигиримиз эгиз бузоқлабди, суюнчи беринг! Говмушимиз невараларингизнинг туғилган кунига икки бузоқ совға қилибди. Бу камдан-кам учрайдиган ҳодиса, — деди молхонадан хабар олиб уйга кирган Моҳигулнинг аяси Лобархон.

— Сигирнинг қўшалоқ бузоқлаши-бойлик. Хонадонларимиздан, юртимиздан, халқимиздан Аллоҳ ҳамиша ўз эҳсон ва неъматларини дариғ тутмасин, — дея дуога қўл очди хола.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Ҳар тўкисда бир айб

Ғалати одатим бор. Кўп уринганман ташлашга. Қаёқда? Ўйламанг, бир хунук қилиқдир, деб. Йўқ. Одамлар «ёмон» кўрган нарсаларни «тўплайман»...

Айтайлик, «Поп қироли» — Майкл Жексон ўзини ўпган кимса — хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, жинидан ёмон кўраркан. Лекин Майклни (айниқса, мухлис аёллари) ўпмай бўладими?

Шварцнеггердайин машҳур актёр — ҳаётда қуролни ёмон кўраркан. Ахир у яратган бирорта образ «қуролсиз» юрмайди. Тўғрими? Дунёга донғи кетган араб санъаткори Омар Шариф қалин уст-бошда юришни ёқтирмайди. Ваҳоланки, унинг умри кўпроқ Европада ўтяпти. Европанинг бироз рутубатли ҳавосида енгил-елпи юриб бўладими?

Алла Пугачёвадай ўз даврида «саҳна гули» — гулни кўпам хушламаган. Уф, саҳнада ҳеч вақосиз, қўлинг бўм-бўш бўлса-да, ҳатто тунги кўйлак ҳам гоҳида менга «оғирлик» қилади», дея шикоят қилган бир сафар у. Лекин у махсус корцети — қоматини «ғоз» тутгичини, ҳатто тундаям ечмасмиш.

Диего Марадоннадай машҳур футболчи, аслида югуришни хушламайди, бўш вақтида «жим» ўтиришни истайди-да. Ахир тўп сурганда югурмай, ёнбошласиними?

Булар юлдуз бўлмаса-да, таниқли шахсларку-я, бундан-да баттари: Адольф Гитлер уйланишни, Сталин оилавий ҳаёти ҳақида гап очувчини, Бонаппарт Наполеон уйқусини бузганни кўрарга кўзи, отарга ўқи бўлмаган экан.

Саида САЙХУН

Спорт юлдузлари шарафланди

Пойтахтнинг «Туркистон» саройи ўтган шанба куни ўзига хос тарзда гавжумлашди. Халқаро майдонларда ажойиб ютуқларга эришиб, давлатимиз мовий-яшил байроғининг ҳилпирашига, мадҳиямизнинг таралишига муваффақ бўлган марди майдонларни шарафлаш маросимига уларнинг отаоналари, мураббийлару меҳмонлар ташриф буюришди. Улкан экранда намойиш этилган спортчиларимизнинг мустақилликнинг 8 йили мобайнида эришган муваффақиятлари ўз ифодасини топган ҳужжатли фильм олқишлар билан қарши олинди. Якунланаётган йилнинг энг яхши спортчилари номи эълон қилинади. Бундай юксак ном, моҳир боксчи жаҳон ва Осиё чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев билан халқаро теннис майдонларида жавлон урган, Оврўпа мутахассисларининг «Осиё маликаси» деб эъзозлашига мушарраф бўлган, ёшлар ўртасида Уимблдон халқаро турнири ғолиби, теннисчи Ирода Тўлагановага насиб этди.

Спорт юлдузлари номидан Президентга мўйқалам устасининг мамлакатда жисмоний тарбия ва спортга давлат аҳамияти берилаётгани ўзининг ёрқин ифодасини топган асари топширилади. Йўлбошчимизга спортчиларнинг меҳр-муҳаббати рамзи бўлган бу асарни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев қабул қилиб олади. Тантанада йилни муваффақиятли якунлаган спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, жамоалар ва фахрийлар номи бирма-бир ўқилди. Улар орасида Нурҳон Нафасов, Юрий Саркисян , Владимир Шин, Акобир Курбонов, Камол Муродов, Ўткирбек Ҳайдаров, Руслан Чагаев, Артур Григорян, Армен Богдасаров, Еркин Кутибоев, Андрей Акопянц, Олег Огородов каби ўнлаб спортчилар бор.

Юртимиз шон-шуҳратини оламга ёйиб, жаҳон чемпиони номини олганларга 10 минг, кумуш ва бронза медали соҳибларига 5 ва 3 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлар, совринлар, эсдалик буюмлари ва фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Тошкент шаҳар АТО «Ўзавтосаноатранс» томонидан Юсуфжон Ҳамраев номига берилган 1998 йил 4 апрелдан 2003 йилгача ҳақиқий деб ҳисобланган АТ 0003487 рақамли «Ивеко М-29» русумли 10 AF500 давлат рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси гравитация жарроҳлиги бўлими раҳбари тиббиёт фанлари номзоди
Ахрол РАҲМАТУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Камолиддин Беҳзод номидаги рассомлик ва дизайн Миллий институти ректорати ва жамоа аъзолари «Ранг тасвир» кафедрасининг катта ўқитувчиси Ф. Ағзамовга волидаи муҳтарамалари
САОДАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби 1030004
Газета офсет усулида. А-2 форматда. 16,512 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини нашрга босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0985

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ

I.РЕКВИЗИТЫ ЭМИТЕНТА

1. Полное и сокращенное наименования: открытое акционерное общество «Эски Жува бозори»

2. Юридический адрес: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, Бозор майдони, дом 28.

3. Номер и дата государственной регистрации эмитента в хокимияте (заполняется хокимиятами при государственной регистрации акционерного общества)

4. Организационно-правовая форма:
Акционерное общество открытого типа

5. Полное наименование и юридический адрес объединения (ассоциации, концерна, корпорации и тд.) Ассоциация «Ташсавдохарид» адрес: г.Ташкент, Шайхантахурский р-н, Бозор майдони, дом 28.

6. Номера расчетного (текушего) и иных счетов эмитента (подразделения) наименование и реквизиты обслуживающих учреждений банков: р/с 000460905 в Нодирабегимском ПСБ, МФО 172613301

* В случае рассмотрения документации предприятия территориальными органами Госкомимущества проспект эмиссии утверждается зам.руководителей территориальных финансовых органов и Госкомимущества.

II. ПОРЯДОК РАСПРЕДЕЛЕНИЯ АКЦИЙ

1. Исходные данные:
а) Уставной фонд 324800.0 тыс.сум
б) Количество акций 324800 штук
в) Номинал одной акции 1000 сум

2. Простые именные акции, приобретаемые членами трудового коллектива по номинальной стоимости:
а) Доля акций 12.5 процентов
б) Сумма акций 40600.0 тыс.сум
в) Количество акций 40600 штук

4. Простые именные акции, держателем которых является Хокимият г.Ташкента
а) Доля акций 51 процентов
б) Сумма акций 165648.0 тыс.сум
в) Количество акций 165648 штук

5. Простые именные акции, подлежащие реализации на фондовой бирже:
а) Доля акций 36.5 процентов
б) Сумма акций 118552.0
в) Количество акций 118552 штук

6. Ф-ма выпуска акций: безналичная 99.0 % 324800 шт. (безналичная с хранением записей в Национальном дипозитарии или его филиалах, наличная в виде специальных бланков акций, с обязательным указанием количества и суммы акций):

1% наличные акции в количестве 1185 шт, 1185.0 тыс.сум

7. Порядок, размеры, сроки размещения и продажи акций:

Способы продажи акций при различных вариантах льгот предоставляемых членам трудовых коллективов	СРОКИ		ОБЩАЯ СТОИМОСТЬ АКЦИЙ	
	Начала размещен и продажи	Окончание размещения и продажи	сумма, тыс.сум	Доля % от общего числа акций
Акции—всего: 1. Акции сохраняемые за Хакимиятом	В течении шести месяцев		324800.0 165648.0	100.0 51.0
2.Размещение привилегированных именных акций	В течении	6-ти месяцев	—	—
3. Размещение простых именных акций среди членов трудового коллектива	В течении	6-ти месяцев	40600.0	12.5
4. Акции для иностранных инвесторов путем заключения договора	—		—	—
5. Акции, подлежащие свободной продаже	В течении	года	11855.2	36.5
всего смежникам			—	—
Акции, выделяемые инвест. фондам	В течении	года		

Ўзбекистон Республикаси телефон тармоқлари абонентлари диққатига!

2000 йил бошланишига саноқли кунлар қолди. Телекоммуникациялар тизимлари ишида машаққат ва қийинчилик келтириб чиқарадиган электрон ахборот ва ҳисоблаш тизимлари фаолияти билан боғлиқ «2000 йил муаммоси» деб аталадиган оламшумул масала ана шу сана туфайли пайдо бўлиб турибди.
Янги йил байрами кунларида алоқанинг барча корхоналари мижозларга оддий тартибда хизмат кўрсатади.

Бироқ, 2000 йилга ўтиш палласида ҳамда Янги йилнинг ўта тиғиз ишлаши шароитида телекоммуникациялар тизимлари ва хизматлари, шунингдек, телефон алоқасининг маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқлари ишида айрим носифат ҳолатлар юз бериши мустасно эмас. Ана шу муносабат билан юз бериши мумкин бўладиган ўткинчи ноқулайликлар учун абонентлардан узр сўраймиз.

Маълумотлар учун мурожаат этилсин:
Телефон алоқасининг шаҳарлараро ва халқаро масалалари бўйича:
— Тошкент шаҳрида ушбу телефонларга: 144-39-31, 139-49-10:
— вилоятларда — шаҳарлараро телефон станцияларининг маълумот-ахборот хизматларига;
Телекоммуникациялар маҳаллий тармоқлари масалалари бўйича тегишли АТС-ларнинг таъмирлаш бюроларига.
Алоқа корхоналарининг маълумот ва таъмирлаш хизматлари 1999 йил 31 декабрдан 2000 йил 3 январгача кечаю-кундуз навбатчилик қилади.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги.